

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, Фарғона шаҳар “Табассум” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, шаҳар судининг судьяси Р.Алиёров, судья ёрдамчиси С.Қодировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ж.Отажонов, судланувчи XXXXX ва унинг ҳимоячиси – Фарғона шаҳридаги “ТО‘Г‘РИ РОЗИТСИYA” адвокатлик бюроси адвокати М.Азимовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан XXXXX XXXXXX XXXXXXни айблаш ҳақидаги 1-1501-2406/2428-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXX XXXXXX XXXXXX (XXXXX XXXXXX
XXXXXX),



Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, гувоҳнинг кўрсатувини ўқиб эшиттириб, томонларнинг музокара нутқини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2024 йил 14 сентябрь куни Фарғона шаҳар ИББ ЖҚБ отряди ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Фарғона шаҳар, Гулшан кўчаси 139-уйда яшовчи XXXXX XXXXXX XXXXXXнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, хонадон ётоқхонасидаги илгичда турган шимининг чўнтагидан думалок шаклдаги, ўткир ҳидли гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани сақлаб келаётганлиги аниқланиб, мазкур модда холислар иштирокида экспертиза тадқиқоти учун ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизанинг 2024 йил 16 сентябрь №1206-сонли хулосасида, XXXXXдан ашёвий далил тариқасида олинган, тўқ жигар рангли, юмшоқ прессланган, эгиловчан ҳолдаги модда таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу гашиш деб аталиши, ушбу модданинг соф оғирлиги 0,35 (ноль бутун юздан ўттиз беш) граммга тенглиги кўрсатилган.



Суд-наркологик экспертизанинг 2024 йил 10 октябрдаги 785-сонли хулосасида, XXXXXда гиёҳвандлик касаллиги аниқланмаган.

Судланувчи XXXXX судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2024 йил 14 сентябрь куни соат 06:00ларда Фарғона шаҳар, Гулшан кўчаси 139-уйда яшаш хонадонидида бўлганида ИИО ходимлари келиб ўзларини таништириб, ундан уйда ёки ёнида ноқонуний нарса ва буюмлар бўлса тақдим этишини сўрашганида, у ўз ихтиёри билан ўзининг истеъмоли учун сақлаб юрган бир бўлак тўқ жигаррангли гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани ётоқхонасидаги илгичда турган шимининг чўнтагидан олиб тақдим қилганини, сўнг ИИБ ходимлари ушбу гиёҳвандлик моддасини икки нафар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганини, у бирор шахсга ушбу воситадан сотмагани ёки бермагани, фақат ўзи истеъмол қилиб келгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Қ.Ғофуров судда, 2024 йил 14 сентябрь куни Фарғона шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари ундан Фарғона шаҳар судининг ажримига асосан XXXXXнинг хонадони Фарғона шаҳар, Гулшан кўчаси, 139-уйда тинтув ўтказишда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, у рози бўлгани, шу куни ушбу хонадонга киришгани ва ИИО ходимлари XXXXXга ўзларини таништиришгани ва ундан уйда ёки ёнида ноқонуний нарса ва буюмлар бўлса тақдим этишини сўрашганида, у ўз ихтиёри билан бир бўлак тўқ жигаррангли гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани ётоқхонасидаги илгичда турган шимининг чўнтагидан олиб тақдим қилганини, сўнг ИИО ходимлари у ва яна бир холис иштирокида ушбу гиёҳвандлик моддасини XXXXXдан ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишгани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи XXXXXнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, ишдаги билдирги, ашёвий далилни олиб кўйиш ва кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото илова, суд-кимёвий ва суд-наркологик экспертиза хулосалари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи XXXXXнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчи XXXXX 0,35 грамм миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига ва Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи ХХХХХга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш омборхонасида сақланаётган экспертизадан сўнг қолган 0,30 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

ХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХ ХХХХХХ ХХХХХХ,
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

ХХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида яъни 10.200.000 (ўн миллион икки юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

ХХХХХга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш омборхонасида сақланаётган экспертизадан сўнг қолган 0,30 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилингандан, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.



Раислик қилувчи:

(имзо)

Р.Алиёров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Алиёров Раҳмат Разиқович, 02.12.2024

